

## Киши севгани билан бирга бўлади!



09:41 / 26.07.2025 2807

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарга чиқдилар. У зот бир жойда дам олиб ўтирганларида бир аъробий келиб баланд овозда деди:

- Эй Муҳаммад!

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

- Мен буёқдаман, кел! - дедилар.

Саҳобалар аъробийга:

- Ҳолингга вой бўлсин! Овозингни пасайтир. Сен Пайғамбарнинг олдидасан. Биз у кишига овозимизни кўтаришдан қайтарилганмиз! - дейишди.

Аъробий:

- Аллоҳга қасамки, овозимни пасайтирмайман! - деди.

Сўнгра Набий алайҳиссаломдан сўради:

- Киши бир қавмни яхши кўради. Аммо уларга ета олмайди?!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

بَحَّأَنْمَ عَمُؤَرْمَلَا

**Киши қиёмат кунда яхши кўргани билан бирга бўлади!**

*Имом Бухорий ривояти.*

Саҳобалар бу гапдан ниҳоятда шодланишди. Ҳеч қачон бунақанги хурсанд бўлишмаган эди!

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одобларига, кишиларнинг одатлари ва табиатларини нечоғлик ҳисобга олишларига қаранг!

Саҳро аъробийни қўпол ва дағал қилиб қўйган. У ер юзидаги шароити қийин жуғрофий муҳитда яшаш учун курашавериб, шунақа қўпол табиатга эга бўлиб қолган. Майдоннинг кенглиги, масофанинг узоқлиги сабабли туяларию қўйларига бақиравериб, баланд гапиришга ўрганиб қолган. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг табиатини, одатини билганлари учун камчилигидан кўз юмептилар. Бу ерда ҳеч қандай шахсий муаммо ёки ҳурматсизлик йўқ. Аъробий пайғамбарлик мартабасини айтмади, балки «Эй Муҳаммад», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Мен буёқдаман, кел**» ёки «**Марҳамат гапир, мен сени эшитаман**», дедилар!

Бу воқеа номуносиб ҳар қандай ҳаракатга шахсий масала деб қарамасликда биз учун буюк дарс бўлади!

Сиз ўрганган нарсани ҳамма ҳам ўргана олмайди. Ҳаммининг ҳам сиз каби тарбияси йўқ. Сиздаги табиат кўпларда йўқ...

Баъзи инсонлар энг мураккаб фикрий масалаларни ҳам осонлик ва худди Мусҳаф ўқигандек вазминлик билан ҳал қилишади! Баъзилар эса ҳатто футбол ўйнаётиб ҳам шунақа бақириб жанжал қиладики, гўё рақибини ҳозир бир нарса қилиб қўяди деб ўйлайсиз!

Инсонлар табиатини, уларнинг шароитини, ҳаётдаги ҳолатини, илм даражасини англашга уриниш ҳаётда бизга кўп асқотади!

Кишининг қиёмат кунда севгани билан бирга бўлишини эшитган саҳобалар ўша кунда хурсанд бўлган бўлишса, биз улардан ҳам кўпроқ хурсанд бўлишимиз керак. Бизнинг насибамиз нақадар гўзал! Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни севамиз, аҳли байтларини севамиз, Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Холид, Абу Убайда розияллоҳу анҳуларни, Аллоҳ Ўз Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламга ёрдам беришлари учун танлаган буюкларимизни севамиз!

Қиёмат кунда ким биландир бўлиш сизни хурсанд қилмас экан, уни қалбингиздан чиқаринг. Муҳаббат ҳам ибодатдир!

***«Набавий тарбия» китоби асосида тайёрланди***

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1506-рақамли ва 2023 йил 24 мартдаги 01-07/1959-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.